

РАССОМ АБДУЛХАК АБДУЛЛАЕВ ИЖОДИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ ТАЪЛИМИДА ТУТГАН ЎРНИ



Мамасалиев Рустамбек Халтаевич

Тасвирий санъат факультети

“Чизматасвир” кафедраси доценти

Mamasoliyevrustambek95@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19381652>

Аннотация. Ушбу мақолада муаллиф томонидан рассом Абдулҳақ Абдуллаев ижоди Ўзбекистон бадиий таълими контекстида тадқиқ этилади. Муаллиф рассомнинг педагогик ва ижодий фаолиятида ХХ аср ўрталаридаги бадиий таълим муаммосига алоҳида эътибор қаратади. Ушбу муаммолар бугунги кунда Ўзбекистон бадиий таълимида ҳам долзарб ҳисобланади. Муаллиф томонидан рассомнинг портрет жанридаги асосий асарлари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: бадиий таълим, живопись, портрет, тарихий портрет, жанр, услуб, давр, бадиий жараён, образ.

Аннотация. В данной статье автором исследуется творчество художника Абдулхака Абдуллаева в контексте художественного образования Узбекистана. Автор акцентирует внимание на проблему художественного образования середины ХХ века в педагогической и творческой деятельности художника. Данная проблематика является актуальной в современном художественном образовании Узбекистана. Автором рассмотрены ключевые произведения живописца в жанре портрета.

Ключевые слова: художественное образование, живопись, портрет, исторический портрет, жанр, стиль, эпоха, художественный процесс, образ.

Annotation. In this article, the author examines the work of the artist Abdulkhak Abdullayev in the context of the art education of Uzbekistan. The author focuses on the problem of art education in the middle of the twentieth century in the pedagogical and creative activities of the artist. This issue is relevant in modern art education in Uzbekistan. The author examines the key works of the painter in the portrait genre.

Key words: art education, painting, portrait, historical portrait, genre, style, era, artistic process, image.

Ўзбекистон мустақиллика эришгандан сунг таълим соҳасида, кадрлар тайёрлаш борасида тизимли ислоҳотлар ўтказилмоқда. Ўзбекистонда бадиий таълимнинг ўзига хос хусусияти анъанавий «усто-шогирд» таълим шаклидир. Кўп асрлик анъаналарга эга бўлган «устоз-шогирд» тизими бир гуруҳ талабалар учун ихчам, индивидуал машғулотлар шаклларида давомийлик тамойилларига асосланади.

Ўзбекистондаги бадиий таълимнинг яна бир шакли бу XIX аср охиридан бошлаб минтақада кенг тарқалган Европа классик тизимидир. Ушбу жараён Европанинг тасвирий санъат турлари - дастгоҳли ва маҳобатли рассомлик маҳаллий аҳолининг маданий муҳитига кириб бориши билан боғлиқ эди. Санъат дунёси кенг қамровли мўъжизаларга бой

бўлганлиги учун ҳам қадрлидир. Бу олам кишиларининг асарлари қалб кўри ва ақл қуввати ила вужудга келади. Унинг майдонида қалам тебратган жаҳон тасвирий санъати намояндаларининг ҳар бири ўз овозига ва ўз ўрнига эга. Санъатимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, ўтган асрда маҳаллий миллат вакиллари орасидан чиққан кўплаб мусаввирлар рус рассомлари билан биргаликда қалам тебратишганини кўрамиз. Улар турли жанрлар ва услубларда ижод қилишган. Кимдир авангард, кимдир эса реализм йўналишида қалам тебратиб, ўз номларини тарих саҳифаларига муҳрлашган.

Ўзбек тасвирий санъатига унинг турли йўналишлари билан бирга реализм анъаналари ҳам кириб келди ва янги давр бошланди. П.Беньков, З.М.Ковалевская, Н.В.Кашина, В.Фадеев, Ч.Аҳмаров, А.Абдуллаев, Р.Аҳмедов, Н.Қўзибоев, З.Иноғонов, М.Набиев сингари мўйқалам соҳиблари ёрқин бўёқларда инсонлар ҳаёт тарзини ва замондошлари образларини матоларга муҳрладилар. Машҳур рассом А.Абдуллаев асарларида ранглар янги кўриниш касб этди ва ёш авлодга таълим беришда чарчамади. Унинг асарларида мавзунинг кенглиги ва долзарблиги яққол кўриниб туради. Абдулҳақ Абдуллаев 1938 йили Суриков номидаги Москва давлат академик рассомлик институтига ўқишга кирди. Аммо иккинчи жаҳон уруши бошланиб, у ўқишни тугата олмади. Айни уруш йилларида турли қишлоқларда бўлиб, портретлар ишлади ва маҳоратини янада оширди. Беш йил давомида тинимсиз малакасини ошириб, ўзбек саҳна санъатини жаҳон миқёсига олиб чиққан буюк актёр Аброр Ҳидоятонинг Отелло ролидаги портретига қўл урди ва муваффақият билан яқунлади. Портретда Отелло образи орқали Аброр Ҳидоятонинг ниҳоятда кучли руҳий жозибага эга ички дунёсини тўлиқ очиб бера олди. Ушбу портрет ҳозирги пайтда Ўзбекистон Давлат санъат музейида сақланмоқда. Портрет “Аброр Ҳидоятон Отелло ролида” деб номланган.

Рассом А.Абдуллаев 1946 йилда машҳур халқ артисти Аброр Ҳидоятонинг Отелло ролидан ҳайратда тушиб, унинг портретини ёзишга киришади. Мусаввир мазкур асарини театрнинг гримхонасида ишлади. Мусаввир портретда Аброр Ҳидоятонинг жўшқин ҳиссиётларини, қалб туғенини моҳирлик билан тасвирлай олган. Аброр Ҳидоятон портретидан кейин рассом халқ артистлари Сора Эшонтўраева, Маннон Уйғур портретини ишлаган. Мусаввир ушбу портретларни ишлашда ўзининг санъаткорлигини, дунё адабиёти ва санъатини қадрлашини, санъати орқали санъатсеварлар қалбига эстетик завқ олиб кирадиган улкан қалб эгаси эканлигини намойиш қилган.

Мусаввир 1948 йилларда халқ усталари Усто Ширин Муродов, Тошпўлат Арслонқулов ва машҳур пахтакор Назарали Ниязов портретини ишлаган. Шулардан “Назарали Ниёзов портрети” очик пленэрда ишланган. У мусаввирнинг инсон руҳияти талқин қилинган портретларидан биридир. Портрет, бир қарашда оддий кўринса-да, унда меҳнатсевар халқимизнинг умумлашма образи гавдалантирилган. Оқ яқтак кийиб, елкасида катта кетмон кўтариб олган қариянинг ортида кенг пахтазор ястаниб ётибди. Эл фарзанди узоқларга термилиб қараб турган ҳолатда тасвирланган. Ҳиндистондан расмий ташриф буюрган вакиллардан бири асарни кўриб ҳайратланиб, бунда меҳнаткаш ўзбек халқининг сиймоси тасвирланган, деган. Рассом Абдулҳақ Абдуллаевнинг асарларини таҳлил қила туриб шунга амин бўламизки, унинг кўшгина портретлари рус рассомлари И.Репин ва В.Серов асарлари сингари юксак маҳорат билан ишланган.

Рассом А. Абдуллаев 1949 йили улуғ адиб Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек портретини ишлашни бошлайди. Унда ёзувчи креслода ўтирганча ҳаёлга берилган. Қўлида китоб тутган, бургутники сингари ўткир нигоҳлари узоқларга қадалган. Портрет ниҳоятда табиий ва жонли чиққан. Унда рассом ёзувчининг руҳий ҳолатини ниҳоятда маҳорат билан

таъсирчан тасвирлай олган. Бу портретни кўрган одамнинг кўз олдида улуғ ўзбек адиби Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек намоён бўлади. Абдулҳақ Абдуллаевнинг ушбу портретини ҳеч иккиланмай рус рассоми В.Перовнинг “Достоевский портрети”(1872) билан ёнма-ён қўйса бўлади. Сабаби, портретда ёзувчи Ойбекнинг ички дунёси матога тўлақонли туширилган. Ойбек ва Назарали Ниязов портретлари 1950 йили Москвада ўтказилган Бутунжаҳон кўргазмасида намоёниш этилган. Портретлар рассомга катта шуҳрат олиб келиши билан бирга, Ўзбекистон тасвирий санъати ривожига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилган.

1953 йилда А.Абдуллаев академик Қори-Ниёзий ҳамда кинорежиссёр Комил Ёрматов портретини ишлади. Рассом замондошлари портретларини ишлашда давом этиб, ўз маҳоратини “Катта оила” картинасида янада кенгроқ намоёниш этди. Картина ҳар томонлама мукамал ёзилган бўлса-да, аммо муаллифнинг ўзи бу асаридан унча қониқмаган. Дўстлари асар ҳақида яхши фикрлар айтганида, мен портретчи рассомман деб кулиб қўярди. Картинада иккинчи жаҳон уруши йилларида етим қолган болаларни асраб олган Тошмуҳаммедовлар оиласининг ҳаёти тасвирланган. Мазкур картина ҳар бир боланинг образи, характери, юриш-туриши ва ҳовли манзараси тўлалигича тасвирлаб берилганлиги билан қизиқарлидир.

Таъкидлаш жоизки, Абдулҳақ Абдуллаев ижодида аёллар ва болалар образи муҳим ўрин эгаллаган. “Буви ва набира”, “Онам портрети”, “Шоир Ҳамид Ғуломнинг онаси” каби асарлари бунга мисолдир. “Жияним Шахло”, “Лола”, “Малика” сингари портретларда рассомнинг армонлари яшириниб тургандек туюлади. Оналар портрети унинг ижодида алоҳида ажралиб туради. Бу балки рассомнинг хизмат сафари билан Ҳиндистонда бўлган чоғида онаси вафот этгани билан боғлиқдир. Онаси билан охириги маротаба кўришиб, суҳбатлаша олмай қолганлигини устоз ҳаётлик вақтларида афсусланиб эслаб қўярди. Европа ва осийлик жуда кўп мусаввирлар она образини яратиш мақсадида ўз онасининг сиймосини чизганлиги санъат тарихидан маълум. Рассом Абдулҳақ Абдуллаев ҳам бу мавзуга қўл уриб, 1960-йилларда “Буви ва набира” асарини яратди. Бу асарни бошқа рассомлар, жумладан, голланд рассоми Рембрандтнинг “Рембрандт онаси портрети” (1639)дан фарқли томони шундаки, онанинг юзидаги муносилик, нафосат, ўйчанлик маҳорат билан берилган.

А. Абдуллаев ўз даврининг портретчи рассоми сифатида она сиймосини тўлақонли очиб берган, десак муболаға эмасдир. Набираси билан сўрида ўтирган бувининг бошида оқ рўмол, юз-кўзларидан нималардир ҳақида чуқур ўйга толгани сезилиб туради. Бувисининг кучоғида қўлларига суяниб ўтирган невараси унинг меҳридан ниҳоятда мамнун. Рассом буви нигоҳларини умр йўлларини эслаб, хаёллар оғушига шўнғиб кетганлигини моҳирона кўрсата олган. Портретда бувининг шарқона ўтириши ҳам ўзига хос ифодаланган. Буви кўйлагининг ранги ҳам портретнинг таъсирчанлигини оширган. Портретни кузатган ҳар қандай инсон ўз онасини эслайди ва унда беихтиёр соғинч ҳиси ўйғонади. Бувининг қўли тиззаси устида туриши, қўл билан юзнинг композицион ҳолатлари бир-бирига боғлиқлиги, рангларнинг уйғунлиги жуда чиройли ва таъсирчан манзара ҳосил қилган. Бувиси кучоғида ўтирган неваранинг тўқ қизил рангдаги кўйлаги унинг ёшига мос тушганлиги, қизча бувисига суяниб ўтиргани томошабинни, албатта, мафтун этади. Ҳар иккала образ ниҳоятда маҳорат билан очиб берилган. Қизалокнинг кўзлари жуда жонли чиққан, боқишлари эса беғубор. Узум тоқлари баргининг сарғайганлиги ушбу картина куз фаслида чизилганлигини билдиради. Умуман, бу асарнинг композиция ечими ниҳоятда чиройли топилган.

Рассом манзара жанрида ҳам кўпгина асарлар ишлаган. Улар бир-бирини такрорламаслиги билан эътиборни тортади. Аммо мусаввир ўз ҳаёти давомида замондошлари портретини яратиш билан кўпроқ шуғулланган. Мусаввир реализм услубида Эркин Воҳидов, Мамарасул Бобоев, Туроб Тўла, Миртемир, академиклар: Обид Содиқов, Ёркин Тўрақулов, Иброҳим Мўминов, Малик Набиев, драматурглар: Иззат Султон, Комил Яшин, шоир Мақсуд Шайхзода, ёзувчилар: Саид Аҳмад, Иброҳим Раҳим, олим Ш.Шомухамедов ва рассом Чингиз Аҳмаров портретини яратиш, Ўзбекистон тасвирий санъатига улкан ҳиссани қўшди.

“Санъатшунослик фанлари доктори Мамажон Раҳмонов портрети” (1979)да тасвирланувчи шахс, худди, сизни тинглаб туриб ўз фикрини айтадигандай ифодаланган. Портретдаги руҳий ҳолат гўзаллиги ва ундаги ранглар дунёси ҳеч бир инсонни бефарқ қолдирмайди. Абдулҳақ Абдуллаев асарларини бошқа рассомлар асарлари билан солиштирадиган бўлсак, уларда ҳеч қандай тўқима ёки бирор ортиқча чизги йўқ. Абдулҳақ Абдуллаев асарлари реализм услубининг тоза суви каби покизадир. Ҳозирги пайтда бундай ижодий асарлар ноёб бўлиб бормоқда. А.Абдуллаев портретлари хис-ҳаёжонга тўла, нозик колорит билан яратилганлигига амин бўласиз. Таъкидлаш жоизки, портрет жуда нозик жанр бўлгани боис унда ҳамма ҳам қалам тебрата олмайди.

Рассом А.Абдуллаев ўзининг турли ёшдаги автопортретларини ишлаган. Улар ичида сиз билан бизга яхши таниш, қатор санъатшунослар томонидан юксак баҳоланган “Сомбреро кийимидаги автопортрет” унинг ижодидаги катта ютуқларидан биридир. Ушбу портретда унга хос характер ёрқин ранглар орқали очиқ берилган. Портретда умумий колорит моҳирона топилган. Абдулҳақ Абдуллаев инсон сифатида борлиқни ҳаракатда, ранглар нафосатига бурканган ҳолда кўришни истар эди. Шу сифатлар унинг автопортретларида яққол сезилиб туради. Абдулҳақ Абдуллаев хорижий давлатларга борганида, у ердан албатта, ўша халқнинг миллий кийимларини олиб келар, уларни кияр ва ўша давлатга ҳурматини билдириш учун кўпинча автопортретлар ишларди.

Шундай қилиб Ўзбекистон бадиий таълими кўп асрлик тарихга эга. Ҳар қандай ижодкор, нима иш қилмасин, маҳорат сирларини издошларига беришга ҳаракат қилган. Шундай қилиб, бадиий таълим тарихида рассом А.Абдуллаевнинг мактаби тасвирий санъатнинг ривожланишини аниқ акс эттиради. Рассомларнинг касбий тайёргарлиги фақат чизиш ва расм чизиш техникасини ўзлаштириш, истиқбол ва инсон пластик анатомияси соҳасидаги назарий билимларни ўзлаштириш билан чекланмайди. Таълим - бу шахснинг ҳар томонлама эстетик ривожланиши, унинг асосий фуқаролик ғоялари асосида маънавий маданиятини шакллантириш демакдир. Фақатгина ушбу шартлар бажарилган тақдирда, ижодкор ғоявий аҳамиятга эга асар яратиши мумкин. Рассом Абдулҳақ Абдуллаев XX аср Ўзбекистон бадиий таълими тизимида улкан из қолдирди, ҳамда Ўзбекистон тасвирий санъатининг олтин фондини тўлдирди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. А.Илхомов. Портретларда инсон олами ранг-баранглиги. САНЪАТ журнали №4-2019.
2. Т.Маҳмудов. Абдулҳақ Абдуллаев. (Альбом). – Тошкент. 1982.
3. Г.В.Ельшевская. Модель и образ. – Москва, 1984.
5. Секреты живописи старых мастеров. – Москва, 1989.
7. Ўзбекистон тасвирий санъат тарихидан лавҳалар. – Тошкент, 1997.